

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 17/08

2022 йил 17-август

Хўжайли тумани

Хўжайли тумани Тиббиёт бирлашмаси номидан Устав асосида иш кўрувчи раҳбар Н. Сапаев бир томондан кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб аталиб, буюртмачи номидан ва «QARAQALPAQ TAUEKEL QURILIS» МЧЖ номидан Устав асосида иш кўрувчи раҳбар М. Сейдаметов кинчи томондан кейинги ўринларда «Пудратчи» деб аталиб, пудратчи номидан, Хўжайли ТТБга қарашли ҚВП контейнерларини жорий таъмирлашга (ободонлаштириш) доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. Таърифлар

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кулланилади:

Ижро ҳужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект курилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кулланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда курилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар;

Курилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг курилиш майдони чегараси ажратиб куйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб куйилади.

Вактинчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан курилиш майдонида урнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган хар қандай типдаги вактинчалик бинолар ва иншоотлар.

Беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

Шартнома нархини бўлиб чиқиш: ишларнинг хар бир босқични ва (ёки) турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома буйича объектнинг умумий қийматини босқичларга таксимлаш.

II. Шартнома предмети.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан Хўжайли ТТБга қарашли ҚВП контейнерларини жорий таъмирлаш (ободонлаштириш) буйича курилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади.

3. Буюртмачи Пудратчига курилиш-монтаж ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома буйича ишлар қиймати.

4. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиган, эркин танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва эркин танлов комиссиясининг қарори 2022 йил 10- август кунги электрон баённома (Лот №129344) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда, жорий нарҳларда (шу жумладан 15% ҚҚС- 13 195 578.65 (етмиш беш миллион бир юз ўттиз етти минг тўрт юз йигирма сўм, 87 тийин) сўм билан, Хўжайли ТТБ га қарашли ҚВП контейнерларини жорий таъмирлаш буйича курилиш ишларини бажариш учун 101 166 103 (бир юз бир миллион бир юз олтмиш олти минг бир юз уч) сўмни ташкил этади. (Пудратчи М. Сейдаметов)

5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта куриб чиқилиши мумкин эмас. Куйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- курилиш муддатини купаптиришга енгиб булмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб булганда;

- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан узгартирилганда;

- объектнинг курилиши бир йилдан ортиққа узгартирилганда.

6. Курилиш муддати бир йилдан ортик булганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниклаштириш конун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

7. Тегишли асослар мавжуд булганда санаб утилган узгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага кушимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари.

8. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II-булимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- Барча ишларни мазкур шартномадаги 2-иловага мувофик ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган хажмда ва муддатларда иншоат нархдаги ишларни энг камида 50 фоизини узининг кучи ва (ёки) жалб килинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофик топшириш;

- 1-иловага мувофик курилиш майдонига зарур курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, жихозлар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, курилиш техникасини етказиб бериш, уларни кабул килиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклаш;

- курилиш майдони худудида вақтинчалик иншоотлар куриш;

- бош пудратчи субподрядчилар билан шартнома тузишда буюртмачи билан келишган холда шартнома тузиши шарт;

- курилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф-мухитни, утказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза килиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек, ёритиш чирокларини урнатиш;

- ишчиларни маданий дам олишлари учун шароит яратиш ва иссик овкат билан таъминлаш;

- курилиш таваккалчиликларини сугурта килиш;

- мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга кабул килиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда курилиш майдонини узига тегишли курилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, курилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик биналардан бушатиш;

- курилиш майдонини куриклашни таъминлаш;

- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

9. Пудратчи имзоланган пудрат шартномасининг 2-иловасига мувофик, хар хисобот ойнаинг 25 санасигача бажарилган ишлар тугрисида Буюртмачига хисобот топшириши лозим, акс холда хисобот ойида 2-иловага кўра бажарилмаган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорида Буюртмачига пеня тулайди ҳамда пудрат шартномани бекор қилиш амалдаги қонун доирасида кўриб чиқилади.

10. Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларни уз кучи билан ва ёрдамчи пудратчилар томонидан (курилиш ишларининг 50 фоиздан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектни топшириш учун Буюртмачи олдида тулик мулкый жавоб беради.

Пудратчи лойиха-смета хужжатлари ва иш хажмларига Буюртмачининг рухсатисиз ўзгартириш киритмайди. Агарда ўз хохиши билан ўзгартирган тағдирда Буюртмачи мажбуриятни ўз зиммасига олмайди.

V. Буюртмачининг мажбуриятлари

11. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- Лойиха смета хужжатларига буюртма беради. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага (1-иловага) мувофик ишларни бажариш учун ярокли булган курилиш майдонини объект курилиши ва курилиш тугаллангунча булган даврда далолатнома буйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-курилиш назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан кабул килинган мажбуриятлар ва бошка функцияларга риоя этилишини назорат килиш, Пудратчидан тугалланган ишларни кабул килиб олишни таъминлаш;

- Пудратчининг барча мурожаатларини 5 кун муддатда куриб чиқиш ва қарор кабул килиш;

- Молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофик аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб бирой давомида Пудратчига ишларни кабул килиш учун зарур булган ижро хужжатлари руйхатини тақдим этиш;

- Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик хажмда бажариш мажбуриятини олади;

12. Агар пудратчи томонидан хар хисобот ойнинг 25 санасигача бажарилган ишлар тугрисида хисоб-фактура ва хисоботи топширилмаса, Буюртмачи бажарилган курилиш-монтаж ишларини молиялаштирмайди. Ушбу шартноманинг 3-банди бажарилмайди.

VI. Ишларни бажариш муддатлари

13. Шартнома:

миллий валюта «сўмда» узаро хисоб-китоб килинганда томонлар уни имзолаган пайдан бошлаб;

14. Пудратчи мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уз айланма маблаглари хисобидан ишларни бажаришга киришади.

15. Танлов (тендер) савдолари натижаси буйича аниқланган курилишнинг фойдаланишга топшириш муддати Пудратчининг хисоб рақамига шартнома буйича умумий қийматининг аванс пуллари келиб тушган кунидан сунг 20(йигирма) кунни ташкил этилади.

16. Мазкур шартнома буйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. Туловлар ва хисоб-китоблар

17. Буюртмачи Пудратчига шартнома буйича ишлар умумий қийматининг 30 фоизи миқдоридан аванс уткази, қолган 70 % маблағ топширилган иш хажмининг бажарилишига мувофиқ(хисоб-фактура, далолатнома асос) тулаб берилади.

18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос хисобланади.

19. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома буйича объектга мулк ҳуқуқини узида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектни тасодифий йук килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида булади.

20. Буюртмачи мазкур шартнома буйича уз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун (молиялаштириш йилида) мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага узгартиришлар киритиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тулашдан озод қилинмайди.

-Мазкур иш турларига молиялаштирувчи органлар томонидан маблағ молиялаштирилмаган тақдирда Буюртмачи тўлов учун мажбурият ва жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

VIII. Ишларни бажариш

21. Буюртмачи курилиш майдонида уз вакилини - техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек, Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

22. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

23. Пудратчи техник-аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник-аудитор Пудратчи томонидан утказиладиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайда булувчи масалаларни ҳал қилиш буйича йигилишларда мунтазам равишда катнашади.

24. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI бандида курсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган уз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

25. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини Давлат архитектура-назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

26. Курилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

27. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупрок ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни казиб олиш учун жой ажратиш тугрисидаги ҳужжатларни беради.

28. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 (уч) кун муддатда курилиш майдонини белгилаш буйича ишларни бажариш ва объектни привязка килиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларни координатлари ва баландлик белгиларини такдим этади.

29. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тугри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек, баландлик белгилари, улчамлари ва булиш уklarининг мувофиклиги тугри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган булиш ва геодезия ишларида хатолар аникланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган холда тегишли тузатишларни уз хисобидан амалга оширади.

30. Пудратчи геодезия ишларида урнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини саклайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин далолатнома буйича Буюртмачига беради.

31. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади. Пудратчи коммуникация объектларини фойдаланувчи тегишли корхоналарга топширади.

32. Пудратчи узи томонидан курилишда қулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха ҳужжатларида курсатилган спецификацияларга, давлат стандартларга, техник шартларга мувофик булишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга булишини қафолатлайди.

33. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр булишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитекткурилишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

34. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишлар тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитекткурилишназорат» инспекцияси билан келишилган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

35. Пудратчи Буюртмачининг ишларини бажариш дафтарида киритилган ёзма рухсатномасидан кейин ишларни бажаришга қиришади.

36. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилмаган бўлса ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у холда унинг талаби буйича Пудратчи Буюртмачининг курсатмасига мувофик беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини уз хисобидан очишга, сунгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

37. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аникласа, у холда Пудратчи уз қучлари билан ва курилиш қийматини қупайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

38. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ куча полосасини, шу жумладан йул участкалари ва йулакларни супуриб сидиради ва озода саклайди, курилиш даврида майдондан курилиш ахлатини буюртмачи томонидан курсатилган жойга чиқариб ташлайди.

39. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом булиши

санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларни қабул қилиб олинishi, утказилган синовлар, материаллар уз вақтида етказиб берилмаслиги билан боглик тухтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқии тугрисидаги маълумотлар, шунингдек, қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин булган барча маълумотлар) акс еттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қоникмаса, у холда ишларни бажариш дафтарида уз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган қамчиликларни

3 кун муддатда бартараф этиш чора тадбирларини қуриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

IX. Ишларни қуриқлаш.

40. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тусилган қурилиш майдони худудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошка мол-мулк зарур даражада қуриқланишини таъминлайди.

41. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек, материаллар, асбоб-ускуналар ва бошка мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. Енгиб булмайдиган қуч (форс-мажор) ҳолатлари.

42. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошка енгиб булмайдиган қуч ҳолатлари натижасида қелиб қикса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган қуч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

43. Агар енгиб булмайдиган қуч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари 1 ойдан қуп вақтга қузилса, у холда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом еттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қиладилар.

44. Агар томонлар 2 ой ичида қелиша олмасалар у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш.

45. Қурилиши тугулланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда булган белгиланган тартибга мувофик мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

46. Объектларнинг фойдаланишга тайёрлиги тугрисида Пудратчи Буюртмачига ёзма билдиришнома ва иншоатларни фойдаланишга қабул қилиш ишчи гуруҳ далолатномасини беради.

Буюртмачи қуриилши тугалланган объектни Давлат қабул комиссияси иштирокида қабул қилиб олади.

47. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V булимига мувофик Буюртмачи томонидан белгиланган тарқибда 2 (икки) нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар туплами амалда бажарилган ишларга тулик мос қелишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

48. Иншоат Давлат қабул комиссияси томонидан расмий фойдаланишга қабул қилинган кейин Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. Қафолатлар.

49. Пудратчи:

барча ишлар тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофик барча ишларни бажариш сифатини;

узи томонидан курилиш учун кулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида курсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуксонларни уз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини қафолатлайди.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг қафолатли даврида аниқланиб, улдар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуксонлар аниқланса, у ҳолда қафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчи томонидан унинг уз ҳисоби билан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада курсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган қафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар курсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитекткурилиш назорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳужалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. Шартномани бекор қилиш.

52. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин курилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ булмаган сабабларга қура Пудратчи томонидан I ойдан қура вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга қурайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жалвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб қуладиган даражада бузилганда;

қуна ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ булмаган сабабларга қура Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тухтаиб қурилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қуна ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қушма қарорига қура тугалланмаган курилиш бирой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тулайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур қулим қуидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етқазилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тулайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йул қурилмайди, қуна ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

-Пудратчи томонидан ушбу шартнома мажбуриятлари бузилган тақдирда буюртмачи томонидан шартномани қунада белгиланган тартибда бекор қилиб, объектни бошқа Пудратчига бериш бўйича тақлиф беради.

XIV. Томонларнинг қулкий жавобгарлиги.

58. Томонлардан бири шартномада мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

O.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Хужжат коди: VL6418584353

80. Тарафлар товарлар, ишлар ва хизматларни реализация қилиш ва ўтказишда битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, литсензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган хужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга(шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибютерлар, ҳуқуқшунослари, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларга) нисбатан қуйдаги ҳаракатлани амалга оширишлари шарт; -коррупциявий ҳаракатлар йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик; уларни фақат тарафларнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш; - уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асосиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

81. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар тамонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларга белгиланган мажбуриятлар бузулганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга таъзийқ ўтказилмаслигини қафолайдилар.

82. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши шартларнинг 79 ва 80- бандларида белгиланган мажбуриятларни бузулишига йўл қўйилганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиш ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичида тегишли чоралар қўшилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф тамонидан қойдабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичида тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалар ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

XVIII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

ПУДРАТЧИ

QARAQALPAQ TAUEKEL QURILIS

МЧЖ

Манзил: ҚР Нукус шаҳри Даньшпан 6

Телефон: 913931976

СТИР: 303153962

ОКЭД:

Банк МФО: 00491

Х/Р: 20208000600419660001

Банк номи: ТОШКЕНТ Ш. "ТРАСТБАНК"
ХА БАНКИНИНГ БОШ ОФИСИ



раҳбари: Саиф

Жамият

М.Сейдаметов

(имзо)

М.Ў

БУЮРТМАЧИ

Хўжайли тумани тиббиёт бирлашмаси

Манзил: ҚР Хўжайли тумани Хўжайли кўчаси р/с ўй

Телефон:

СТИР: 200395026

ОКЭД: 91511

Банк МФО: 00014

Х/Р: 23402000300100001010

л/с 100022860352367073101054001

Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳар хисоб-китоб касса маркази

ШХР:

Ташкилот раҳбари:

Н.Сапаев

(имзо)

М.Ў



17/08-сонли шартномага
ИЛОВА

Коррупцияга қарши қоидаларининг АСОСИЙ ШАРТЛАРИ

1. Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда

O.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: VL6418584353

Ўзбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора, яъни Хужайли Тумани Тиббиёт Бирлашмаси ва ООО « QARAQALPAQ TAUEKEL QURILIS» ходимлари ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёхуд мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкӣ наф олиш учун қуйидаги ҳаракатларни қилмайди:

- пора беришни таклиф қилиш ёки ваъда бериш;
- товламачилик қилиш;
- пора сифатида пул тўлаш;
- бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бериш.

Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

2. Агар шартнома бўйича бир Томон (Хужайли Тумани Тиббиёт Бирлашмаси) ходимининг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилиқ ҳужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиши керак:

Коррупция ҳақида хабар беришга мўлжалланган 1203-рақамли ишонч телефони;
Телеграм-канали (“@QRKQGAK_bot”).

ТОМОНЛАР:

Бажарувчи:
ООО « QARAQALPAQ TAUEKEL
QURILIS»

М.Сейдаметов
(Ф.И.О.)

(имзо) _____

Буюртмачи
Хужайли Тумани Тиббиёт
Бирлашмаси

Н.Сапаев

(Ф.И.О.)

(имзо) _____



«ТАСТЫЙЫҚЛАЙМАН»
Хожели Районлық Медицина Бирлеспеси
Бас шыпакери Н.Сапаев
«_17_» август _____ 2022-жыл

Хожели Районлық медицина бирлеспеси «Хожели районлық медицина бирлеспесине караслы Ауыл шыпакерлик пунктлеринде жайласкан контейнерлерде агымдагы ремонт жумысларын амелге асырыу бойынша таңлау комиссиясы»нын ен жақсы уынысларды таңлап алыу бойынша откерилген 129344-санлы лот бойынша мәжлис баянламасы

2022-жыл «_17_»

август

Хожели Районы

Катнасыўшылар
Комиссия баслығы
Комиссия ағзалары

(Ф.И.Ш)
Н.Сапаев
К.Ембергенов

Д.Юсупова
Ж.Алламбергенов
Ж.Ешимбетов

(Лаўазымы)
Бас шыпакер
Улыума экономикалык ислер бойынша Бас шыпакер орынбасары

РМБ Бас есапшысы
Хожалык ислери менгериушиси
Бас Инженер

КҮН ТӘРТИБИ:

Хожели Районлық Медицина Бирлеспеси - Таңлап алыу комиссиясы баслығы Н.Сапаев мәжлисте таңлау комиссиясынын 5 ағзасынан 5 адам катнасып атырғанлығын айтып өтип, таңлау комиссиясы мәжлисин ашык деп жариялады.

Таңлау комиссиясы хаткери таңлау комиссиясына төмендеги мағлыўматларды усынды:
Өзбекстан Республикасынын 2021-жылдын 22-апрелдеги 684-санлы «Мамлекет сатып алыўлар хаккында»ғы Нызамынын (тексте кейинги орынларда- Нызам) 58-статьясына мууапык ен жақсы усынысларды таңлап алыу откерилиўи хаккында арнаўлы информаций порталында (<http://etender.uzex.uz/>) дағазатаңлау катнасыўшыларынын кабыл етиў мүддети тамамланыўынан 5 (бес) жумыс күн алдын мәмлекетлик буйыртпашы тәрәпинен жеке кабинети аркалы жайластырылган 2022 жыл 03 август күни №129344-санлы лот бойынша 2022-жыл 10-август кунги 129344-санлы электрон баянламасы бойынша хеш кандай шагым келип туспеди.

Өзбекстан Республикасы «Мәмлекетлик сатып алыўлар хаккында»ғы Нызамы талапларына хәмде жоқары көрсетилген мағлыўматларды есапка алып Таңлау комиссиясы

ҚАРАР ЕТЕДИ:

1. Хожели районлық медицина бирлеспесине караслы Ауыл шыпакерлик пунктлериндеги контейнерлерди агымдагы ремонт жумысларын амелге асырыу ушын өткерилген таңлап алыуда таңлау хужжетлеринде хәм таңлау шәртлери бойынша ен жақсы шәртлерди усынған хәм таңлап алыу женимпазы деп табылган "QARAQALPAQ TAUEKEL QURILIS" ЖШЖ 101 166 103 сум менен шартнама дузилсин.
2. Жеңимпаз мекеме таңлап алыу шәртлери тийкарында шартнама дүзиўден бас тартқан жағдайда шартнама дүзиў хукукы кейинги катнасыўшы (резерв) етип, "BUILD STORY NUKUS" ЖШЖ белгиленсин. Бунда жеңимпаз катнасыўшы усыныс еткен суммасынан аспаған муғдарда шартнама дүзиў мүмкинлиги белгилеп койылсын.
3. Нызам талапларына мууапык таңлау катнасыўшыларынын усынысларын көрип шығыу хәм баҳалау мүддети усыныслар бериў тамам болыўынан 10 (он) күнинен асып кетиўи мүмкин емеслиги мағлыўмат ушын кабыл етилсин.
4. Мекеменин есапшысы - Д.Юсуповага таңлау алыу жуумагы бойынша женимпазы менен шартнама хужжетлерин таярлау хәмде шартнама дузилген сон 3 (уш) жумыс куни ишинде арнаулы информаций порталына (etender.uzex.uz) жайластырыу тапсырылсын.
5. Таңлау комиссиясы хаткери (Д.Юсупова), усы таңлап алыу тийисли барлык хужжетлерди белгиленген тартипте сакланыуын тамийнлесин.

Катнасыўшылар
Комиссия баслығы

Комиссия ағзалары

(Ф.И.Ш)
Н.Сапаев

К.Ембергенов

Д.Юсупова

Ж.Алламбергенов

Ж.Ешимбетов



(Лаўазымы)

Бас шыпакер

Улыума экономикалык ислер бойынша
Бас шыпакер орынбасары

РМБ Бас есапшысы

Хожалык ислери менгериушиси

Бас Инженер

XOJELI RAYONÍ ÁDILLIK BÓLIMI YURIDIKALÍQ XÍZMET KÓRSETIW ORAYÍNÍN YURIDIKALÍQ ÁHMIYETKE IYE HÚJJETLERDÍN NÍZAM HÚJJETLERINE MUWAPÍQLÍGÍ HAQQÍNDAGÍ HUQÍQÍY JUWMAGÍ

Ózbekstan Respublikası Prezidentiniń 29.06.2021-jılǵı PQ-5168-sanlı qararı menen tastıyqlanǵan “Yuridikalıq xızmet kórsetiw orayları haqqında”ǵı Rejege tiykarlanıp, Xojeli rayonu medicina birlespesiniń shártnama joybarın huqıqıy ekspertizadan ótkerilgende tómendegiler

ANIQLANDI:

1. Joybar túri: shártnama

2. Joybarataması: Xojalıq (Pudrat) shártnamasın dúziw

3. Joybar mazmunı: Xojeli rayonu medicina birlespesi hám “QARAQALPAQ TAUEKEL QURILIS” JSHJ ortasında 2022-jıl 17-avgust sánesi menen Xojeli RMB ǵa qarashlı QVP konteynerlerin jeńil ońlawǵa qaratılǵan 101 166 103 (bir júz bir million bir júz alpıs altı mın bir júz úsh) sum muǵdarında Xojalıq (Pudrat) shártnamasın dúziwden ibarat.

4. Joybardı islep shıǵıwshı hám kiritilgen sáne haqqında maǵlıwmat: Xojeli rayonu medicina birlespesi tárepinen islep shıǵılǵan hám 2022-jıl 15-avgust kúni dástúrge kiritilgen.

5. Joybardıń nızam hújjetlerine muwapıqlıǵı: Shártnama joybarın úyreniw dawamında, Ózbekstan Respublikası Puqaralıq kodeksiniń (Xojalıq shártnamaları haqqındaǵı ulıwma qaǵıydalar) 353-354,666-statyaları, Ózbekstan Respublikasınıń 29.08.1998-jılǵı №670-I-sanlı “Xojalıq júritiwshi subyektler iskerliginiń shartnamalıq-huqıqıy bazası haqqındaǵı” Nızamı tiykarında islep shıǵ’ılǵ’an.

Joqarıdaǵılardı esapqa alıp, huqıqıy ekspertizadan ótkeriw nátiyjelerine kóre

JUWMAQ:

Xojeli rayonu medicina birlespesiniń shártnama joybarı nızam hújjetlerine muwapıq islep shıǵılǵan.

**Yuridikalıq xızmet kórsetiw
orayı bas yuriskonsultı:**

U.Yerejepova

19.08.2022-jılı

